

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 30 сентябрь, № 189 (5356) Жума

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Кадиров Рахматилла** — Элликқалъа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Низомов Хурсанмурод Амонович** — Тайлоқ туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Азизова Муборак Яхьяевна** — Олмазор туманидаги 298-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Азизова Узрониса Абдулахатовна** — Олтинкўл туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Наврузова Гулнора Рузимовна** — Ҳазорасп туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Бозоров Садиллахон Хайруллаевич** — Чуст саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Давлятова Рахима Урунбаевна** — Оҳангарон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Недикова Валентина Анатольевна** — Фарғона шаҳридаги болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

**Раҳматова Моҳира Ҳикматовна** — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Скоромкина Ирина Ивановна** — Навоий кончилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Холматова Нурия Ўтаевна** — Жиззах туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Худайқулов Холбозор Ярманович** — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Чориева Марзия Баймухаметовна** — Термиз туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Эргашева Барно Яҳяевна** — Китоб туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

(Давоми 2-бетда).

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

# БУРЧГА МАСЪУЛИЯТ, КАСБГА САДОҚАТ



*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийлари меҳнатини юксак баҳолаб, шундай деган эдилар: "...Кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ғоя ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратаётган сиз, азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта".*

*Дарҳақиқат, фарзандларимиз қўлига қалам тутқазган, алифбони ёдлатган ва энг биринчи дарсини Ватан муҳаббатига бағишлаб, келажагимиз эгаларини буюк мамлакатимизни ардоқлашга, севишга ўргатган лафзи ҳалол, қалби пок инсонларга ҳар қанча таъзим бажо айласак — оз, уларни ҳар қанча бошимизга кўтарсак — кам!*

*Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Дилноза Мақсудова ана шундай фидойи устозлардан. Ўқувчилари қалбига йўл топган, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаётган зиёли, билимли, нозиктаъб, ажойиб муаллима.*

*— Мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлиб, камолга етдим, — дейди у. — Бугун Ватаним хизматидаман. Ишончим комил, ўқувчиларим ҳозиргидан-да гўзал, фаровон ҳаётнинг бунёдкорлари бўлишади.*

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

## КУАЛА-ЛУМПУРДАГИ АНЖУМАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

***Куала-Лумпурда Ўзбекистон — Малайзия ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор бўлган Малайзия ишбилармон доиралари, йирик бизнес уюшмалари ҳамда кўплаб хусусий компанияларнинг вакиллари иштирок этди.***

Бизнес анжумани чоғида тадбир қатнашчилари республикамизнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури, мамлакатимиздаги мавжуд сармоявий муҳит, шунингдек, улкан сайёҳлик салоҳиятига оид маълумотлар билан таништирилди.

Шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида бизнес олиб боришнинг қулайликлари ҳамда истиқболлари, фармацевтика саноати, электротехника, кимё, автомобилсозлик, нефть-газ, енгил саноат, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг афзалликлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир қатнашчиларини кутлар экан, **"Perdasama" компаниясининг президенти Муҳаммад Иззат Амир** Ўзбекистон иқтисодиёти замонавий босқичда ўсувчан ривожланишни намоён этаётганига алоҳида урғу берди. Унинг фикрича, "олиб борилаётган ислоҳотлар ва мамлакатнинг ўзи танлаган тараққиёт модели бунга замин бўлаётир".

**Биз ва жаҳон**

У ушбу бизнес анжуманига Малайзия ишбилармон доиралари катта аҳамият қаратаётганини, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида мана шундай учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб туриш бениҳоя зарур эканлигини таъкидлади.

Яқинда Ўзбекистонда бўлиб қайтган **Малайзиядаги уюшган ҳинд савдо палатасининг вице-президенти С. Шантакумар** мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятига эга эканлигини айтиб ўтди. Унинг фикрича, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент сингари қадимий шаҳарлар бетакрор тарихий-меъморий ёдгорликлари ҳамда турфа осориатиқалари билан ўзида унутилмас таассурот қолдирганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.

С. Шантакумар тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон бўйлаб сафари чоғида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида, Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги республика Йўл жамғармаси ҳамда қатор хусусий компанияларда самарали музокаралар олиб боргани хусусида маълумот берди.

Кези келганда шуни ҳам қайд этиш жоизки, сўнгги беш йил ичида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йил сайин барқарор ўсиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилда мазкур кўрсаткич 72 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Малайзия сармояси иштирокидаги 20 та корхона фаолият юритмоқда, улардан 3 таси юз фоиз Малайзия маблағи асосида иш олиб бораётир.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Малайзиянинг 6 та компанияси ваколатхонаси рўйхатдан ўтган бўлиб, улар нефть-газ конларидан фойдаланиш, қидирув-разведка ишлари, савдо-воситачилик фаолияти ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида маслаҳат хизматини кўрсатиш билан шуғулланади.

Бизнес анжуманининг якунлари шундан далолат бердики, Малайзиянинг ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, нефть-газ-кимё, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, электротехника, фармацевтика ҳамда сайёҳлик соҳаларида ўз маблағи иштирокидаги қўшма корхоналарни барпо этиш юзасидан жиддий қизиқишга эгадир.

**«Жаҳон» АА.**
Куала-Лумпур

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Ҳафталик доирасида

**Мамлакатимизда давом этаётган Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида БУХОРО шаҳрида "ICTExpo — 2011" миллий ахборот технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтди.**

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош ҳомий саналган мазкур кўргазма доирасида ахборот технологиялари борасидаги энг сўнгги ишланмалар, замонавий хизмат турлари намойиш этилди. Тадбир қатнашчиларида, айниқса, СДМА — 450 стандарти асосида мобиль алоқа бўйича хизматлар ва ускуналар, видеотелефония, видеоконференцалоқа, интернет тармоғига кенг полосали уланиш намойиши катта таассурот қолдирди.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Қишлоқда мусиқа мактаби

**ФАРҒОНА. Қақир — Учкўприк туманининг энг чекка қишлоқларидан бири. Лекин бу ерда мусиқа ва санъат сирларини пухта эгаллашга иштиёқманд ёшлар кўп.**

Шу боис мазкур олис қишлоқда ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаби биноси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Эътироф этиш керакки, бу ерда 1 миллиард 300 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳозир барча шарт-шароит яратилган ушбу таълим масканида қақирлик ёшлар миллий ва жаҳон мусиқа санъати сирларини мукаммал ўрганишмоқда.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Етти турдаги тайёр маҳсулот

***СИРДАРЁ. Ховос туманидаги "Энерго насл чорва" чорвачилик мажмуаси қошида сутни қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди.***

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 700 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳозир 16 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада бир кунда 5 тоннагача сут қайта ишланиб, қатиқ, қаймоқ, творог, пишлоқ, йогурт каби маҳсулотлар бежирим идишларга қадоқланмоқда.

— Илгари кунига 3 тонна сутни ҳудудимизга яқин шаҳарларга элтиб сотардик, — дейди цех бошлиғи Воҳид Каримов. — Энди сутни ўзимизда қайта ишлаб, 7 хилдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни бошладик. Табиийки, даромад ҳам икки баробар ошди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Микромолиялаштириш:

## ТАҲЛИЛ ВА ҚИЁСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида 2010 йилда Ўзбекистонда микромолиялаштириш соҳаси таҳлили ва қиёсий кўрсаткичлари бўйича миллий ҳисоботининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциацияси, тижорат банклари мутахассислари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

Таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Ўтган йили республикамиз ялпи ички маҳсулоти 8,5 фоизга ортиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 52,5 фоизга етгани бунинг яққол тасдиғидир. Ваҳолонки, мазкур кўрсаткичлар аввалги йилда мутаносиб равишда 8,1 ва 50 фоизни ташкил этган эди. Натижада ҳозирги кунга келиб, юртимизда иш билан band аҳолининг 74,3 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.

**Тақдимот**

Айтиш жоизки, бизда кичик бизнеснинг бу қадар жадал ривожланишида банк ва нобанк ташкилотларига кенг йўл очилиб, улар томонидан ушбу соҳа вакиллари узлуксиз равишда молиявий қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, бугунги кунда республикамизда 116 та кредит уюшмаси, 35 та микрокредит ташкилоти, 58 та ломбард ва 29 та тижорат банки мавжуд бўлса, уларнинг барчаси айнан шу мақсадда фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ҒАМХЎРЛИК ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ

***Ёшлар тарбияси ва маънавий камолоти йўлидаги хайрли ишлар бугун мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мисолида яққол намоён бўлмоқда.***

Айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш, ўқув даргоҳларини жаҳон андозалари даражасидаги қулай шарт-шароитлар билан таъминлаш, педагог ходимларга кўрсатилаётган эътибор ва эъзоз соҳанинг кун сайин равнақ топишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган кўркам ўқув биноларига кўзингиз тушади. Ана шундай ўқув даргоҳларидан бири ўзим меҳнат қилаётган 6-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатидир.

**Дил сўзи**

Муассасамиз аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган бўлиб, у нафақат туман, балки бутун вилоят миқёсида ўзига яраша нуфузга эга. Зеро, ҳудуддаги иқтидорли ўқувчиларнинг аксарияти мазкур билим даргоҳида таҳсил олишга интилади. Бу, албатта, мактабимизда юксак салоҳиятли педагогик жамоанинг шаклланганлиги, амалий ва назарий машғулотларни энг сўнгги педагогик технологияларга асосланган ҳолда ташкил этаётганимиз туфайли десам, хато қилмаган бўламан. Фахрланиб айта оламизки, битирувчиларимизнинг асосий қисми олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, жойларда мутахассислик йўналишларини пухта эгаллашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Бозоров Абдуғани** — Қизириқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Умиркулова Саида** — Оқдарё туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Якубов Бахтиёр Далиевич** — Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдурахимова Мавлуда Олимовна** — Пешку саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Алибаева Рано Ғиёсовна** — Мирзаобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Алланазарова Барчин Ражабовна** — Шеробод тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Артикова Шарофат Махкамовна** — Чирчиқ шаҳар саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг иқтисодиёт асослари фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Базарова Мавжуда Шадиевна** — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Бекназарова Лизахан Зайтовна** — Қораўзак туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Джураева Жамила Зульпоновна** — Жиззах шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Зокиров Фарҳод Убайдуллаевич** — Навбаҳор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Камалова Дилдорахон Эргашбаевна** — Андижон машинасозлик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Назаров Азбиддин** — Қўшработ туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Махмудова Муборак** — Қўшкўпир туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Тошматов Муродилбой Машрабович** — Фарғона саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ходжаева Махтума Зиятовна** — Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Юсупов Икрамжан Низамидинович** — Учқўрғон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Бегмуродова Ойдин Хуррамовна** — Қарши тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Даулетбаев Курбанбай Аманликович** — Нукус туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Садиков Хикмат Исакович** — Бухоро вилояти 5-олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Бухоро вилояти

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдуазимова Зилайха Исиргаповна** — Сардоба туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Абрамова Татьяна Владимировна** — Қарши шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Атагельдиев Кенжебай Абдиевич** — Беруний туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Атаджанов Юсупджон** — Қўқон нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ишчанова Норгул Машарибовна** — Шовот қурилиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Қосимов Ғайбулло Мухаматович** — Жондор туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Литвинова Ольга Ивановна** — Ҳамза туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Намазова Мавлюда Ураловна** — Зарбдор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ниязова Адолат Абдурахмоновна** — Денов қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Нурбаев Нурмахамбет Сарсенович** — Бўстонлиқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Тошкент вилояти

**Хадиев Шуҳрат Мардонович** — Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

**Хамралиев Зохиржон Сотиболдиевич** — Наманган қурилиш ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Цой Галина Тимофеевна** — Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

**Шерхалов Кучкар Хусанович** — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Авазов Саидали Эргашевич** — Сариосиё туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

**Алиева Оминахон Сотиволдиевна** — Асака туманидаги 16-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Аманбоев Боходир Иргашбоевич** — Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

**Артиков Алишер Абдуллаевич** — Сайхунобод туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, Сирдарё вилояти

**Асронов Акмалжон Адхамович** — Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ахмаджанов Абиджон Абдуллажанович** — Жалолқудуқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи, Андижон вилояти

**Ахмедов Шухрат Юнусович** — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ачилова Фароғат Атабаевна** — Хонқа туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Бекчанова Наргиза Наримоновна** — Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Бердикулов Баходир Абдуллаевич** — Данғара туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Вохидова Назокат Шариповна** — Шаҳрисабз туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактабининг психологи, Қашқадарё вилояти

**Ембергенов Музапбар Нсанбаевич** — Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жобборова Гулнора Бекчановна** — Янгиариқ туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Жураев Ҳусан Файзуллаевич** — Иштихон туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Зойиров Субхон Раззоқович** — Шофиркон туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Зокирова Дилҳумор Тургуновна** — Тошлоқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Исакджанов Ахадхон Исманджанович** — Наманган давлат университети қошидаги академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Исмаилова Зульфия Жумановна** — Арнасой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Исоқбоев Акрамжон Ахмаджонович** — Чортоқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика ва информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Кадирова Миуагуль Генжебаевна** — Тахиатош политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Каримова Бибихол Хайруллаевна** — Термиз шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйи мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Каримова Ҳосият Кудратовна** — Қамаши туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Каюмова Зухриниса Рашидовна** — Юнусобод туманидаги 498-мактабгача таълим муассасасининг мусиқа раҳбари, Тошкент шаҳри

**Кенжаева Яхшигул Абдурахимовна** — Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Навоий вилояти

**Қутлиева Зебо Қулиевна** — Вобкент туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Минибаева Сания Сабировна** — Бекобод шаҳар саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Муминов Бахадир Курбаналиевич** — Ангрен кимё саноати касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Муратбекова Рамзия Хайриевна** — В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Мухаммадиев Алишер Далиевич** — Яккабоғ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мухамадиева Гулзада Ишмуратовна** — Жарқўрғон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Назарова Инаятхан Джалаловна** — Олмалиқ шаҳар саноат касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Назарова Фатима Шариповна** — Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Очилова Райима Махмудовна** — Кармана туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Расулова Феруза Юсуповна** — Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби дутор синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Саваева Рислигой Жумановна** — Наманган туманидаги иқтисодиёт коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Салимова Бувробия Сапаровна** — Зафаробод агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Сатторов Холдор** — Қўштепа туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Сатибалдиев Бахтияр Махмудович** — Олмазор политехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Сейтмуратова Лалагул Генжемуратовна** — Чимбой туманидаги 8-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Султонова Сайёра Дилмуродовна** — Поп тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Умарова Машрабхон Ахмадовна** — Яккасарой туманидаги 144-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Урунбаева Шахло Шералиевна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Урунов Ортиқ Умматович** — Булунғур маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Усмонова Арофатхон Мадаминовна** — Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Хасанова Насиба Мэлисовна** — Пайариқ туманидаги 79-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Ходжиева Ойгул Кадировна** — Марғилон енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Худайбердиев Акмал Иноятович** — Қоракўл саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

**Эргашов Кароматилла Тўхтаевич** — Касби туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 29 сентябрь

---

Микромолиялаштириш:

# ТАҲЛИЛ ВА ҚИЁСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода, миллий ҳисобот юртимиз микромолия секторида самарадорликни янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Негаки, унда нафақат микромолиявий ташкилотлар кўрсаткичлари таққосланган, балки уларнинг фаолияти хусусида ҳам тўлиқ маълумотлар жамланган. Қолаверса, ҳисобот халқаро доирадаги энг йирик ташкилотлардан бири — “Mix Market” агентлигининг бевосита кўмагида тайёрланганки, бу республикамиз молия-банк тизимига бўлган қизиқиш дунё миқёсида юқори эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда “Mix Market” халқаро агентлиги хусусида икки оғиз сўз. Асосий мақсади микромолия секторини ривожлантиришдан иборат бўлган мазкур агентлик ушбу йўналишда фаолият юритаётган ташкилотлар ҳақида маълумотлар тўплаб, уларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, интернет базасига жойлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, микромолиявий ташкилотлар ўртасида ахборот алмашиш тизимини яхшилаш баробарида, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришга, халқаро донор ва инвесторлар эътиборини жалб этишга кўмаклашади. Айни пайтда “Mix Market” бир минг тўрт юзга яқин микромолиявий ташкилотларнинг шундай хизматларини тарғиб қилмоқда. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистондаги 23 та молиявий муассаса “Mix Market” рўйхатидан ўтган. Уларнинг орасида “Микрокредитбанк” ва “Ҳамкорбанк”нинг фаолиятлари юқори баҳолангани, айниқса, диққатга сазовор.

Буларнинг бари мамлакатимизда молия-банк тизими янада такомиллаштирилиб, маблағ ва хизматлар мижозлар манфаати йўлида, демакки, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун тақдим этилаётгани, бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилгани самараси, десак, асло муболаға бўлмайди.

Тадбир доирасида, шунингдек, “Микромолиялаштириш ривожланиши тенденциялари ва истиқболлари” мавзуида ташкил этилган семинарда унинг иштирокчилари бу борада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар хусусида фикр алмашдилар.

**Д. МУРОДОВ.**

---

# Ғамхўрлик фидойиликка ундайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда ўқув масканида 280 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти. Ўз касбига меҳри баланд 24 нафар фидойи ўқитувчи уларга ҳар бирининг қизиқиши, қобилияти ва интилишига алоҳида эътибор билан ёндашган ҳолда билим бераётир.

Қувонарлиси, бугун юртимизда жонкуярлик билан меҳнат қилаётган ҳар бир инсон, хоҳ у ўқитувчи бўлсин, хоҳ оддий ишчи, албатта, муносиб рағбатга сазовор бўлмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланишим нафақат менинг, балки суюкли жамоамизнинг ютуғи ҳамдир. Бу юртимизда таълим тизимига қаратилаётган эътибор, биз, ўқитувчиларга кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг амалдаги ифодаси. Бундай ғамхўрлик ҳар биримизни баркамол авлод тарбиясига янада масъулият билан ёндашишга, фидойилик, ижодкорлик ва ташаббускорликка ундайди.

**Раҳимахон ОМОНОВА,**
**Учқўрғон туманидаги 6-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.**

---

# СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

## инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда

***Мамлакатимиз мустақиллигига 20 йил тўлди. Шу давр ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Пировардида аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоялаш учун замин ҳозирланди.***

Жумладан, истиқлолнинг илк йилларида қабул қилинган Конституциямиз асосида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, судлар мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли сифатида эмас, балки инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган ҳокимиятнинг мустақил бўғинига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида ҳозир амалда бўлган 15 та кодекснинг қабул қилингани ҳам шундан далолат бериб турибди. Мазкур кодексларни қабул қилишда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, халқаро қоида меъёрлари ҳисобга олинганлиги, айниқса, эътиборлидир. Ислоҳотлар жараёнида “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судья ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, унга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилди. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига юклатилди.

Миллий қонунчиликнинг мунтазам такомиллаштирилиб борилаётгани ҳам соҳани демократлаштиришда қўл келаётир. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг 2000 йил 14 августдаги Фармонига асосан, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, хўжалик, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. 2001 йил 29 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилиниши натижасида эса жиноятлар таснифи ўзгартирилди. Масалан, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Натижада Жиноят кодексида назарда тутилган 87 та жиноят таркиби бўйича санкциялар енгиллаштирилди, уларнинг 26 тасидан қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чоралари чиқариб ташланди.

Иқтисодий соҳадаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш йўлга қўйилганлиги эса бу борадаги ислоҳотларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, жиноий жазо тизимидан инсонпарварликка мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқарилди. Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги қоида киритилди.

### Жараён

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилиши суд-ҳуқуқ ислоҳотларида муҳим босқични бошлаб берди. Бугунги кунда Жиноят кодексида 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш назарда тутилган бўлиб, ўтган давр мобайнида 110 минг нафардан ортиқ фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилгани ҳам шуни тасдиқлаб турибди.

Юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган муҳим ислоҳотлардан яна бири, бу — 2006 йилда қабул қилинган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонун асосида ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ҳамда “Хабеас корпус” институти жорий қилиниши, яъни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши бўлди.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинганлиги эса жамиятимизда муҳим воқеа ҳисобланади. Амалдаги Жиноят кодексига кўра, Ўзбекистонда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун тайинланиши кўзда тутилган. Бу борада ҳам инсонпарварлик тамойили инобатга олинган, яъни бу жазо тури хотин-қизлар, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахслар ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

Бугунги кунда ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчил давом эттирилмоқда. Бу борада мамлакатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция муҳим ўрин тутаётир. Хусусан, унда соҳа ислоҳотларини янги босқичга кўтариш, қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгилаб берилган бўлиб, уларни амалга ошириш орқали кўзланган мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

**Шермуҳаммад САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқот маркази бош маслаҳатчиси.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 722,1 ▼ - 5,3 | УН биринчи нав 504,2 ▼ - 2,0 | УН иккинчи нав 466,4 ▼ - 2,3 | ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▼ - 52,1 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 213,4 ▲ + 0,3 |
|---|---|---|---|---|---|

MIKROKREDITBANK

***Мамлакатимизда банк-молия тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли молия муассасаларининг хизматлари замонавийлашиб, аҳолининг уларга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида республикамиз банк тизимининг жами капитали ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 36,6 фоизга, банкларга жалб қилинган мижозларнинг депозитлари ҳажми 52,3 фоизга, аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблағлари ҳажми эса 1,5 баробарга ортгани бунга яққол мисолдир.***

# ИШОНЧ ВА САМАРАДОРЛИК

## банк ва мижоз ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир

Бу борадаги ишлар самараси республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг Сирдарё вилояти филиали фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда.

Маълумки, ўзаро ишонч банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни ривожлантирувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Яратилган шарт-шароит, қолаверса, филиал жамоасининг саъй-ҳаракати туфайли вилоятда ушбу банкка бўлган ишонч тобора мустаҳкамланмоқда. Бунда Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтаяпти. Шу асосда филиал аҳли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини маблағлар билан таъминлаш ҳамда аҳолини ўз хизматларидан баҳраманд этиш мақсадида ҳудудларда, шу жумладан, қишлоқ жойларда иш кўламини кенгайтириб, банкнинг ҳар бир маҳалла ёки оилага кириб бориш имконини яратмоқда.

Айниқса, филиал томонидан бўлажак мижозларни тадбиркорлик сир-асрорлари, сармояни мақсадли сарфлаш бўйича махсус курсларда ўқитиш йўлга қўйилгани аҳолида мазкур соҳа хусусида дастлабки тушунча ҳосил қилиш билан бирга, уларда ишонч ва қатъиятлилик туйғуларини шакллантиришга кўмаклашаётир. Натижада ҳозирги кунга келиб, филиал мижозлари сони салкам ўн бир мингтага етди, уларга 2011 йил 1 сентябрга қадар барча молиялаш манбалари ҳисобидан 9 миллиард 112,5 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу, ўз навбатида, 4 минг нафардан зиёд кишининг иш билан таъминланишига олиб келди.



Соҳалар бўйича ажратилган маблағлар таҳлил қилинганда, саноатга бир миллиард 467 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 3 миллиард 729 миллион сўм, савдо ва воситачилик тармоғига 825,5 миллион сўм, қурилишга бир миллиард 201,1 миллион сўм, маиший хизмат кўрсатишга бир миллиард 219 миллион сўм йўналтирилгани ойдинлашади.

Вилоятдаги “GUL-REN-TEKS” Ўзбекистон — Буюк Британия, “АК-КАРПЕТ” қўшма корхоналари, “Бунёдбек-Нилуфар” хусусий корхонаси ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар бу маблағлардан оқилона фойдаланганı туфайли нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топиб бораётир. Хусусан, Гулистон шаҳрида фаолият юритаётган “GUL-REN-TEKS” қўшма корхонасида тайёрланаётган турли ўлчамдаги кийим-кечаклар сифат, бичим ва кўриниш борасида хорижникидан асло қолишмайди.

Ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам филиал ходимларининг доимий диққат-эътиборида. Ўтган вақт давомида аёлларни тадбиркорликка жалб этиш учун бир миллиард 672,7 миллион сўм, ёш оилаларга 932 миллион сўм кредит ажратилгани фикримизнинг исботидир.

Филиал жамоаси, шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича корхоналарга технологик ускуналар сотиб олиш учун бир миллиард 786 миллион сўм, 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан эса, 621,5 миллион сўм миқдорида маблағ ажратгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Филиалда 2011 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, омонат қолдиғи 2 миллиард 182 миллион сўмга етгани, бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 359,2 миллион сўм кўплиги ҳам эътиборга сазовордир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида эса пластик карточкалар сони 21,6 мингтага етказилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 11,5 мингта кўп, дегани.

Айни пайтда чакана ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларида тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилувчи терминаллар сони 449 тани ташкил этмоқда. Аҳолига, шу жумладан, филиал мижозларига пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатишда янада қулайлик яратиш мақсадида жойларда “Банкомат” ва “Инфокиоска” хизматлари жорий этилгани барчага манзур бўлаётир.

Филиал томонидан кўрсатилаётган замонавий банк хизмат турларидан яна бири, бу — савдо карталарини масофадан туриб инкассация қилиш тизимидир. Мазкур хизмат шуниси билан аҳамиятлики, у орқали узоқ қишлоқлардаги савдо шохобчалари ҳам банкдаги ўз ҳисоб рақамларига тушумларини тушириши мумкин. Бу, ўз навбатида, ортиқча вақт ва маблағ тежаш имконини бермоқда. Шу боис келгусида тадбиркорлар учун ниҳоятда қулай бўлган ушбу хизмат турини янада кенгайтириш режалаштирилган.

“Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг Сирдарё вилояти филиали жамоаси, шунингдек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Пировардида ишбилармонлар иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга эришмоқдалар.

**Д. УЛУҒМУРОДОВ.**

# Чирой очган мактаблар

***Шаҳрихон туманидаги 65-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда “Rich Trade” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан 2 миллиард 165 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.***

Шунингдек, кимё-биология, физика каби фан хоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. 540 ўринга мўлжалланган ушбу таълим даргоҳи атрофи кўркам қиёфа касб этди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида вилоятда 648 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, 11 мактаб эса янгитдан барпо қилинди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## 2011 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2011 йил 1 октябрдан киритиладиган кўмир учун декларация қилинган нархларни қайд этиш 19-03-22-05-0'zR-53-2011-сонли реестрни тасдиқлади.

| Монопол бирлашма (корхона) номи | Маҳсулот номи | Ўртача ҳисобланган меъёри, % | | Ўлчов бирлиги | ҚҚС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх, сўмда |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Куллик | Намлик | | |
| «O‘ZBEK-KO‘MIR» OAJ | 2 BPK 50-200 (300) Бюджет ташкилотлари учун | 14,4 | 35,8 | тонна | 26 050 |
| | Биржа орқали | 14,4 | 35,8 | тонна | 33 600 |
| | Аҳоли учун | 14,4 | 35,8 | тонна | 33 600 |
| | 2 BOMSSH 0-50 | 23,8 | 35 | тонна | 42 720 |
| | 2 BOMSSH-B-1 0-50 | 32,5 | 35 | тонна | 32 950 |
| | 2 BOMSSH-B-2 0-50 | 46,7 | 35 | тонна | 19 400 |
| | 2 BR 0-200 (300) Бюджет ташкилотлари учун | 21,8 | 35,5 | тонна | 31 900 |
| | Биржа орқали, бошқа истеъмолчилар учун | 21,8 | 35,5 | тонна | 40 900 |
| | 2 BR-B-1 0-200 (300) | 32,5 | 35,5 | тонна | 32 050 |
| | 2 BR-B-2 0-200 (300) | 46,7 | 35,5 | тонна | 17 750 |

**Изоҳ:**
1. Маҳсулот куллиги ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёри фоиз ҳисобида GOST 8298-89, GOST 8302-87, Tsh 12-17:2007, Tsh 12-18:2007, GOST 8297-87 га мувофиқ ўрнатилган. Кўмир сифати бўйича ўзгариш бўлганда, чегириш (ёки қўшиш) меъёрлари № 03-01-1988 прейскурант бўйича қўлланилади. Куллиги бўйича ҳар бир фоиз кўпайиши ёки камайишига белгиланган нархдан 2,5%, намлик бўйича 2,0% миқдорида.
2. Ушбу тарифлар кучга кириши билан 2011 йил 1 апрелдан амал қилган тарифлар (2011 йил 30 мартдаги 19-03-22-05-O`zR-15-2011-сонли реестр) ўз кучини йўқотади.

1315R/1158

IPOTEKA BANK

# «ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

## «Тантана» ютуқли омонати бўйича 2011 йил 24 сентябрда Жиззах шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| Т/р | Ютуқ миқдори (сўм) | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Жамғарма касса рақами | Омонат ҳисоб рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 3 081 391 | Тошкент шаҳри | Юнусобод | № 01 | 20606880/16 |
| 2. | 1 540 696 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 33 | 20606880/9 |
| 3. | 1 540 696 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/405 |
| 4. | 667 635 | Наманган вилояти | Наманган | № 01 | 20606880/ 03 |
| 5. | 667 635 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/71 |
| 6. | 667 635 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 34 | 20606880/1 |
| 7. | 667 635 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/199 |
| 8. | 410 852 | Тошкент шаҳри | Яккасарой | № 01 | 20606880/11 |
| 9. | 410 852 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | № 14 | 20606880/18 |
| 10. | 410 852 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/148 |
| 11. | 410 852 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 33 | 20606880/37 |
| 12. | 410 852 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 10 | 20606880/5 |
| 13. | 410 852 | Қорақалпоғистон Респ. | Қорақалпоғистон | № 07 | 20206880/7 |
| 14. | 293 466 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 32 | 20606880/11 |
| 15. | 293 466 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 26 | 20606880/9 |
| 16. | 293 466 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 11 | 20606880/10 |
| 17. | 293 466 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 33 | 20606880/34 |
| 18. | 293 466 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/305 |
| 19. | 293 466 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/462 |
| 20. | 293 466 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/43 |
| 21. | 231 104 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/99 |
| 22. | 231 104 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/258 |
| 23. | 231 104 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/225 |
| 24. | 231 104 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | № 03 | 20606880/29 |
| 25. | 231 104 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/169 |
| 26. | 231 104 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/354 |
| 27. | 231 104 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 03 | 20606880/15 |
| 28. | 231 104 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 03 | 20606880/18 |
| 29. | 182 601 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 07 | 20606880/3 |
| 30. | 182 601 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/288 |
| 31. | 182 601 | Бухоро вилояти | Сардор | № 01 | 20606880/3 |
| 32. | 182 601 | Тошкент вилояти | Бекобод | № 06 | 20606880/1 |
| 33. | 182 601 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/311 |
| 34. | 182 601 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/50 |
| 35. | 182 601 | Тошкент шаҳри | Яккасарой | № 01 | 20606880/17 |
| 36. | 182 601 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/11 |
| 37. | 182 601 | Жиззах вилояти | Жиззах | № 05 | 20606880/3 |
| 38. | 143 798 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | № 02 | 20606880/2 |
| 39. | 143 798 | Андижон вилояти | Истиқлол | № 01 | 20606880/7 |
| 40. | 143 798 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/220 |
| 41. | 143 798 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/350 |
| 42. | 143 798 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 04 | 20606880/3 |
| 43. | 143 798 | Тошкент вилояти | Чиноз | № 01 | 20206880/9 |
| 44. | 143 798 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 32 | 20606880/8 |
| 45. | 143 798 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | № 02 | 20606880/37 |
| 46. | 143 798 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | № 03 | 20606880/5 |
| 47. | 143 798 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | № 03 | 20606880/30 |
| 48. | 112 051 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 26 | 20606880/5 |
| 49. | 112 051 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | № 11 | 20606880/3 |
| 50. | 112 051 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 11 | 20606880/61 |
| 51. | 112 051 | Андижон вилояти | Андижон | № 01 | 20606880/16 |
| 52. | 112 051 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | № 14 | 20606880/9 |
| 53. | 112 051 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/275 |
| 54. | 112 051 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/116 |
| 55. | 112 051 | Тошкент шаҳри | Юнусобод | № 01 | 20606880/1 |
| 56. | 112 051 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 11 | 20606880/35 |
| 57. | 112 051 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/116 |
| 58. | 112 051 | Тошкент шаҳри | Миробод | № 30 | 20606880/5 |
| 59. | 85 594 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 14 | 20606880/34 |
| 60. | 85 594 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | № 18 | 20606880/2 |
| 61. | 85 594 | Тошкент вилояти | Бекобод | № 19 | 20606880/1 |
| 62. | 85 594 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606880/65 |
| 63. | 85 594 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 11 | 20606880/56 |
| 64. | 85 594 | Тошкент шаҳри | Сергели | № 01 | 20606880/2 |
| 65. | 85 594 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606880/129 |
| 66. | 85 594 | Тошкент шаҳри | Сергели | № 09 | 20606880/1 |
| 67. | 85 594 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | № 09 | 20606880/1 |
| 68. | 85 594 | Тошкент вилояти | Бекобод | № 04 | 20606880/1 |
| 69. | 85 594 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | № 02 | 20606880/21 |
| 70. | 85 594 | Тошкент шаҳри | Миробод | № 03 | 20606880/17 |

***Изоҳ:** «Тантана» ютуқли омонати бўйича ютуқ соҳиблари ютуқларини олишлари учун «Ипотека-банк»нинг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари ва белгиланган тартибда олишлари мумкин.

**Ҳайъат раиси** — Жиззах шаҳар ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи **Ғ. КАМОЛОВ**
**Масъул котиб** — «Ипотека-банк» минибанк ва жамғарма кассалар фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бўлим бошлиғи **Ғ. НОРҚЎЗИЕВ**

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-89-56, 150-89-57.**

1311R/




*Барча абитуриентлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар диққатига!*

## Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

**математика, физика, инглиз тили** фанлари бўйича 2011 — 2012 ўқув йили учун тайёрлов курсларида таҳсил олишга таклиф этади.




Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси (собиқ Ниёзов кўчаси),17-уй.**

Телефон:
**(8-371) 246-60-28.**

1280R/1109

“Марказий ипподром” ОАЖ жамоаси бош бухгалтер Абдужаббор Узаковга волидаи муҳтарамаси

**РИХСИ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси марказий аппарати Истиқболли медиалойиҳаларни ишлаб чиқиш бўлими бош мутахассиси Ирина Адинаевага падари бузруквори

**Мирза АДИНАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 339,3 ▲+ 43,6 | ШРОТ 313,8 ▲ +4,9 | ШЕЛУХА 128,3 ▼ -1,5 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4296,3 ▼ - 738,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4841,4 ▼ - 78,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4942,3 ▲+ 28,8 | МАЗУТ 351,6 ▲ + 10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 3258,4 ▲+ 661,1 | КЎМИР(бпк) 37,9 ▲+ 0,7 |



## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

***Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.***

# ИМКОНИЯТ, ИЗЛАНИШ, НАТИЖА

Унда сўз олган Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров, Ўзбекистон Қаҳрамони, Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анорхон Маҳмудова ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларни алоҳида таъкидладилар. Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик айни пайтда жамиятда ўқитувчилик касбининг нуфузига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Анжуман давомида бугунги кунда ўқитувчи ва мураббийларга яратилган шароит, таълим мазмунини, унинг сифат ва самарадорлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида маълумотлар берилди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 30 июлда қабул қилинган “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа вакилларига кўрсатилаётган беқиёс эътиборнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, жорий йилнинг 20 майида қабул қилинган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ҳам таълимнинг барча бўғинлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, юқори салоҳиятли педагогларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

*Қашқадарёлик Мойли Эштемиров фидокорона меҳнати туфайли эл назарига тушган муаллимлардан. У Қамаши туманидаги 72-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.*

# МАЪРИФАТ ЙЎЛИНИНГ ЧАРОҒБОНИ

Мана, беш йилдирки, мазкур мактаб жамоаси вилоятдаги таълим муассасалари орасида рейтинг кўрсаткичи бўйича биринчиликни қўлдан бой бермай келаётир. Бундан уч йил муқаддам 72-мактаб “Йил мактаби” республика кўрик-танлови ғолиби, деб топилган эди.

Ўқув даргоҳида малакали ўқитувчи ва мураббийлар тажрибасига таянилган ҳолда, янгича педагогик технологиялар асосида ёшларга таълим берилмоқда. Муҳими, мактабда ўқувчиларнинг замонавий асосда пухта билим олишлари учун барча имконият муҳайё қилинган. Зарур ўқув қўлланмалари ҳамда бадиий адабиётлар фондига эга бўлган муҳташам кутубхона, ёзги-қишки спорт мажмуаси, фан, спорт ва касб-ҳунарга йўналтирилган тўгараклар фаолияти бунинг тасдиғидир. Яқинда бу ерда ҳашар йўли билан иккита футбол ва учта волейбол майдонлари қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир волейбол, кураш, шахмат-шашка ва футбол тўгаракларида 300 дан зиёд ўғил-қиз иштирок этмоқда.

Мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан бири И. Тоштемиров 2009 йилда география фани бўйича республика фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллади.



Қувонарлиси, таълим масканида бундай зукко, интилувчан ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Айнан шу боис таълим даргоҳининг иқтидорли ўқувчиларидан иборат жамоаси “Қувноқлар ва зукколар” телеўйинининг якуний босқичида икки бор фахрли ўринларни эгаллади. Бу, албатта, ташаббускор ва фидойи ўқитувчиларнинг меҳнати самарасидир.

...Ўқув даргоҳи жамоаси нафақат таълим-тарбия йўналишида, балки шу ҳудуддаги маънавий-ахлоқий масалалар юзасидан ҳам хайрли ташаббусларни илгари сураётир. Хусусан, сўнгги икки йил мобайнида мактаб маъмурияти томонидан маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Жорий йилда ўқув даргоҳи жамоасининг саъй-ҳаракати билан маҳаллада “Қорасув гулдастаси” фольклор ансамбли, мактабнинг ўзида эса кичик қўғирчоқ театри ташкил этилди. Ушбу бадиий жамоалар байрам тантаналари ва турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб, ёшлар қалбида санъатга муҳаббат уйғотишга хизмат қилаётир.

Юртимизнинг қай бир гўшасида яшамасин, касбу кори қандай бўлмасин, ҳалол меҳнат қилган одам, албатта, эътибор топади. Мойли Эштемировнинг ҳам таълим жабҳасидаги кўп йиллик хизматлари бесамар кетмади. У истиқлолимизнинг 20 йиллик шодиёналари арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

— Бу юксак унвон камтарона меҳнатим қадрланганидан, юртимизда ўқитувчига чексиз эҳтиром билан муносабатда бўлинаётганидан далолатдир, — дейди М. Эштемиров. — Президентимиз бизларга шу қадар ғамхўрлик кўрсатаяптиларки, бундай эъзоз кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ёш авлодни камолга етказиш йўлидаги ташаббусларимизга қанот бўлмоқда. Айниқса, касби умрининг мазмунига айланган мендек бир мураббий учун бу энг олий бахтдир!

**Шомурот ШАРАПОВ.**

**СУРАТДА:** «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Мойли Эштемиров ўқувчилари даврасида.

**Муаллиф олган сурат.**



*Наманганни гуллар шаҳри, дея таърифлашлари бежиз эмас. Бобур номли маданият ва истироҳат боғидаги бетакрор манзаралар, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун яратилган шарт-шароитлардан баҳраманд бўлганда, таъби гулдек кишиларнинг миришкорлигидан бир олам завқ оласиз. Зеро, кейинги йилларда шаҳарда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик бу дилтортар масканнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Меъморлар боғни қайта лойиҳалаштиришди. Мукаммал таъмирлаш ишларидан сўнг унинг ўйингоҳ ва хиёбонларидаги бесўнақай дарахтлар ўрнига икки минг тупдан зиёд каштан, эман, қарағай, япон сафораси сингари манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. 80 минг тупдан ортиқ мавсумий ва кўп йиллик гул кўчатларидан иборат гулзорлар ташкил қилинди.*

# ГУЛЛАР ШАҲРИНИНГ ЯНГИЛАНГАН БОҒИ

Айни пайтда боғда 6 та чойхона ва ошхона, шахмат-шашка клуби, 27 та замонавий аттракцион, бир гектарлик кўл меҳмонлар хизматида.

— Боғда амалга оширилган бу каби бунёдкорлик ишларига 3,5 миллиард сўм сарфланди, — дейди мазкур истироҳат боғи раҳбари Муҳиддин Турсунов. — Масканимиз янгиланишлардан кейин янада гавжумлашди. Айниқса, болажонларнинг бу ерга интилишларини айтмайсизми?!

### Бунёдкорлик

Боғни қайта қуриш жараёнида шаҳардаги кўплаб тадбиркорлик жамоалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди. Хусусан, “Шерали SSS” корхонаси икки миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб, осмонўпар чархпалак, болалар спорт шаҳарчаси, сакраш майдончаси сингари 12 та аттракционни ишга туширди.

— Ўйингоҳларимиз нафақат болалар, балки катта ёшдагиларга ҳам маъқул бўлмоқда, — дейди мазкур корхона раҳбари Жаҳонгир Шарипов. — Баландлиги 32 метр бўлган чархпалакка чиққан киши Наманганнинг манзараларини завқ билан томоша қилади. Шу боис ҳозир кунига икки минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатаяпмиз.

Хулоса қилиб айтганда, болажонларнинг қувноқ кулгилари билан тўлиб-тошган ушбу масканда ўтказилаётган турли маданий тадбирлар унга файзу тароват бахш этмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

# САБИНАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

***Хитойнинг Сямен шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ташкил этилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Сабина Шарипова ғалаба қозонди.***

Ёш истеъдодли спортчимиз мусобақанинг яккалик ва жуфтлик беллашувларида бош совринни қўлга киритиб, юксак маҳорат соҳибаси эканлигини намоён этди.

Мазкур турнирда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган ёш спортчилар совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Яккалик баҳсларида биринчи рақамда сараланган Сабина турнир давомида мезбонлар вакиллари Кию Ени 6/0, 6/1 ва Жиахуи Ченни 6/1, 6/3, россиялик Александра Зеновкани 7/6, 6/2, гонконглик Катерина Ипни 6/2, 6/1 ҳисобларида мағлубиятга учратиб, финалга етиб келди.

Бош соврин учун кечган беллашувда унга қарши яна бир россиялик ракетка устаси Анна Тюлпа кортга чиқди. Ҳамюртимиз устунлигида ўтган баҳс 6/4, 6/3 ҳисобида Сабинанинг ғалабаси билан якунланди. Шу тариқа 17 ёшли спортчимиз ўзининг жорий мавсумдаги иккинчи мукофотини қўлга киритди.

Турнирнинг жуфтликлар ўртасидаги беллашувларини эса С. Шарипова А. Тюлпа билан бирга ўтказди. Мусобақа давомида кетма-кет уч учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган мазкур тандем финалда исроиллик Ли Ор ва швециялик Ребекка Петерсонга ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6/0, 6/1.

***Шу кунларда Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтаяпти. 1974 йилдан бери ташкил этилиб келинаётган ушбу нуфузли мусобақа жорий йилда ўн олтинчи бор уюштирилди. Унда дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатидан келган 600 нафарга яқин боксчилар қаторида, ҳамюртларимиз ҳам совринли ўринлар ва келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун кураш олиб боришмоқда.***

# ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Терма жамоамиз таркибидан маҳоратли чарм қўлқоп усталаримиз — икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, дунё биринчилиги кумуш медали соҳиби ва икки карра Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов, AIBA президенти кубоги совриндорлари Орзубек Шоимов ва Сардор Абдуллаев ҳамда Мирзоҳид Абдуллаев, Нодирбек Қосимов, Санжар Раҳмонов, Фазлиддин Ғоибназаров, Жасур Латипов, Шаҳобиддин Зоиров жой олган.

26 сентябрда бошланган жаҳон чемпионатида спортчиларимиздан биринчи бўлиб Мирзоҳид Абдуллаев рингга чиқди. 91 килограмм вазн тоифасидаги боксчилар ўртасидаги беллашувларга киришган ҳамюртимиз ушбу баҳсда молдовалик Михаил Мунтянни 11:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги даврага йўл олди. Унинг галдаги рақиби болгариялик Тервел Пулев бўлади.

Терма жамоамиз аъзоларидан Жасурбек Латипов (52 кг.) ва Орзубек Шоимов (56 кг.) ҳам илк жангларни ғалаба билан якунлади. Жумладан, Жасурбек жазоирлик Самир Брахимини мағлубиятга учратди. Навбатдаги босқичда унга қарши беларуслик Иван Фигуренко рингга кўтарилади.

Бир неча йилдан буён ҳаваскор боксда таҳсинга лойиқ натижаларни қўлга киритиб келаётган Орзубек ҳам турнирда ўз вазн тоифасида совринли ўринларга даъвогар спортчилардан бири эканлигини амалда исботламоқда. Бунга унинг дастлабки беллашувда украиналик кучли рақиб Микола Бутсенкодан устун келгани яққол бир мисолдир. Орзубек навбатдаги баҳсни венесуэлалик Анхел Родригесга қарши ўтказади.

Мусобақада ўн вазн тоифасида чорак финалга чиққан боксчилар келаси йили Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жаҳон чемпионати 8 октябрга қадар давом этади.

# «Насаф» «Ал-Виҳдат» билан беллашади

***Қарши шаҳрида бўлиб ўтган ОФК кубоги баҳслари доирасидаги “Насаф” ҳамда Таиланднинг “Чонбури” клублари ўртасидаги ўйин мезбонларнинг ғалабаси билан якунланганидан хабарингиз бор.***

Кескин ва муросасиз кечган ўйинда “Насаф” жамоаси пенальтилар сериясида таиландлик чарм тўп усталаридан устун келиб, мусобақанинг ярим финалига йўл олганди.

Кеча қаршилик футболчиларнинг ушбу босқичдаги рақиби маълум бўлди. Бу Иорданиянинг “Ал-Виҳдат” клубидир. Ушбу жамоа чорак финалда Ироқнинг “Духок” клубини иккинчи ўйинда ҳам мағлубиятга учратиб, ярим финалда тўп суриш имкониятига эга бўлди. “Ал-Виҳдат” ўзбекистонлик футболчиларга яхши таниш. Чунки у айнан мазкур мусобақанинг 1/8 финалида Қашқадарёнинг бошқа бир жамоаси — Ғузорнинг “Шўртан” клубини мусобақадан чиқариб юборганди. Демак, “Насаф” футболчилари “Шўртан” учун ҳам мазкур жамоани мағлубиятга учратишлари керак бўлади. Анатолий Демьяненко шогирдлари бу вазифани қанчалик уддалашини 4 октябрь куни Қаршида ва 18 октябрь куни Иорданиядаги “Қирол Абдуллоҳ” стадионида бўлиб ўтадиган ўйинлардан сўнг билиб оламиз.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

● Реклама ва эълонлар ●


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

NBU

**ишга қабул қилиш мақсадида суҳбатдан ўтиш учун мутахассисларни таклиф қилади.**

НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

- *олий асосий иқтисодий маълумот;*
- *Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтганлик;*
- *шахсий компьютерни офис иловалари даражасида яхши билиш;*
- *давлат тили ва чет тилларни билганлар афзалроқ кўрилади.*

Қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: **(8-371) 238-56-51, 238-56-68.**

1309R/878

www.nbu.com


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 20 АВГУСТДАН 16 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).*

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари, шунингдек 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2031, 2009 йил 3 ноябрь), (рўйхат рақами 2031-1, 2010 йил 6 ноябрь).*

**Адлия вазирининг 2011 йил 24 августдаги 176-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. «Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2171, 2010 йил 22 декабрь).*

**Адлия вазирининг 2011 йил 25 августдаги 177-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низом, 1 — 3-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1333, 2004 йил 6 апрель), (рўйхат рақами 1333-1, 2004 йил 29 июнь), (рўйхат рақами 1333-2, 2005 йил 30 май), (рўйхат рақами 1333-3, 2007 йил 27 сентябрь).*

**Адлия вазирининг 2011 йил 9 сентябрдаги 183-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

4. Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом, 1 — 3-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1262, 2003 йил 1 август), (рўйхат рақами 1262-1, 2004 йил 12 апрель), (рўйхат рақами 1262-2, 2006 йил 18 февраль), (рўйхат рақами 1262-3, 2007 йил 7 май).*

**Адлия вазирининг 2011 йил 9 сентябрдаги 185-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## ОБ-ҲАВО

**(30 сентябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 11-13, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 255,2 ▼ -22,0 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 225,9 ▲ +4,3 | АРМАТУРА 3127,6 ▼ -215,4 | ШИФЕР (1 лист) 16591,0 ▼ -228,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52246 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5